

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
2023 йил «14» июл

Рўйхатга олиш рақами №81

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Раиси
биринчи ўринбосари

Н.Н.Сайдуллаев

«ОРИЕНТ ФИНАНС»
ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
У С Т А В И
(янги таҳрирда)

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Акциядорлар умумий йиғилишининг
2023 йил 12 июндаги 1/2023 - сонли
баённома-қарори

Кузатув кенгаши Раиси:

Б.Б.Парпиев

ТОШКЕНТ-2023 йил

МУНДАРИЖА:

| | | |
|----|--|----|
| 1 | Умумий қоидалар | 3 |
| 2 | Банкнинг юридик мақоми, жойлашган жойи (почта манзили) | 3 |
| 3 | Банк фаолиятининг мақсади ва операцияларининг рўйхати | 4 |
| 4 | Банкнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари..... | 7 |
| 5 | Банк Устав капиталининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби..... | 9 |
| 6 | Банк акциялари, акцияларнинг номинал қиймати. Банкнинг эълон қилинган акциялари..... | 11 |
| 7 | Банк акцияларини жойлаштириш тартиби ва шартлари. Банкнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари..... | 11 |
| 8 | Банк акциялари (акцияларнинг бир қисми) бошқа акциядорларга ва ёки учинчи шахсларга ўтиши..... | 13 |
| 9 | Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари..... | 14 |
| 10 | Банк фойдасини тақсимлаш, дивидендлар тўлаш ва зарарни қоплаш тартиби | 16 |
| 11 | Банкнинг ўз маблағлари, заҳира фонди ва кредит ресурслари | 18 |
| 12 | Банкнинг бошқарув органлари | 19 |
| 13 | Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши | 19 |
| 14 | Банк Кузатув кенгаши | 22 |
| 15 | Банк Бошқаруви..... | 27 |
| 16 | Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш..... | 30 |
| 17 | Банк филиаллари ва ваколатхоналари, уларни ташкил этиш тартиби..... | 32 |
| 18 | Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш | 33 |
| 19 | Банк Устави, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш..... | 33 |

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “Банк” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларига, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ва Банк таъсисчиларининг 2010 йил 28 апрелдаги 2-сонли баённома-қарорига асосан ташкил этилган.

1.2. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

2. БАНКНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ)

2.1. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан ўз мулкидаги алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган акциядорлик жамияти шаклидаги юридик шахс ҳисобланади.

2.2. Банк ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига, тимсоли (логотипи)га, шунингдек ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлади. Банкнинг юмалоқ муҳрида унинг фирма номи қўшимча равишда бошқа тилда ёзилиши, унинг тимсоли (логотипи) кўрсатилиши мумкин. Банк ўз номи ёзилган ва тимсоли (логотипи) туширилган штамп ва бланкаларига ҳамда хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситалар (белгилар)га эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (кирилл алифбосида):
тўлиқ номи – “Ориент Финанс” хусусий акциядорлик тижорат банки;
қисқартирилган номи – “Ориент Финанс” ХАТБ.

Банкнинг давлат тилидаги фирма номи (лотин алифбосида):
тўлиқ номи – “Orient Finans” xususiy aksiyadorlik tijorat banki;
қисқартирилган номи – “Orient Finans” ХАТБ.

Банкнинг рус тилидаги фирма номи:

тўлиқ номи – Частный акционерный коммерческий банк «Ориент Финанс»;

қисқартирилган номи – ЧАКБ «Ориент Финанс».

Банкнинг инглиз тилидаги фирма номи:

тўлиқ номи – The private joint stock commercial bank «Orient Finans»;

қисқартирилган номи – PJSCB «Orient Finans».

2.4. Банк универсал банк бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибига киради. Банк фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади ва ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

2.5. Банк ўз мажбуриятлари, шунингдек аҳоли омонатлари юзасидан ўзига тегишли барча мол – мулки билан жавобгардир. Банк акциядорлари Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг

фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига оладилар.

Агар Банкнинг банкротлиги Банк учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, Банкнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядор зиммасига Банкнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, ҳудди шунингдек, Банк ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.6. Банкнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Банк акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.7. Банк қонунчиликда белгиланган тартибда юридик шахс мақомига эга шўъба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этишга ҳақлидир.

Банк корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қонунчиликда белгиланган тартибда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.8. Банк тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.9. Банкнинг манзили у давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади. Банкнинг жойлашган ери, почта ва унинг Бошқарув органлари (Банк Бош офиси) жойлашган манзили: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 5 уй.

2.10. Банкнинг электрон почта манзили: info@ofb.uz

Банкнинг расмий веб-сайти: www.ofb.uz.

3. БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

3.1. Банкни ташкил этиш ва фаолият олиб боришининг асосий мақсади қонунчилик билан белгиланган банк фаолияти деб ҳисобланадиган банк ҳисобварақларини очиш ва юритиш, тўловларни амалга ошириш, омонатларга (депозитларга) пул маблағларини жалб этиш, ўз номидан кредитлар бериш каби операциялар мажмуини амалга ошириш ҳамда ушбу фаолият билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида фойда олишдан иборатдир.

Банк операцияларни бажариш ва пул маблағларини сақлаш учун Марказий банк муассасаларида вакиллик ҳисобварақларига эга бўлади.

Банк Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг бошқа тижорат банкларида вакиллик ва бошқа ҳисобварақларини очиши, улар билан вакиллик муносабатларини ўрнатишга ҳақлидир.

3.2. Банк томонидан амалга ошириладиган молиявий операциялар жумласига қуйидагилар киради:

- пул маблағларини омонатлар (депозитлар)га жалб этиш;
- тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобварақларини очмасдан амалга ошириш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини очиш ҳамда юритиш;
- кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
- чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
- жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
- инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
- учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;
- учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш (факторинг);
- қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;
- аффинланган қимматбаҳо металллар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металлларни масъул сақлаш ҳисобварақларини ҳамда металлларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобварақларини юритиш;
- қимматбаҳо металллардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;
- ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;
- ҳужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун махсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;
- лизинг бериш;
- қонунчиликда назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;
- молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- активлар мажмуини (портфелини) бошқариш;
- электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
- банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.

Бундан ташқари, Банк чет эл валютасида қуйидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга:

- очиқ валюта мавқеи (позицияси) лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ваколатли банклар ва ўз мижозлари билан, валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларда чет эл валютасини

сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш;

- юридик ва жисмоний шахсларларга, банкларга чет эл валютасида ҳисобварақларни очиш ва юритиш;

- миждозларнинг экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳисоб-китобларини чет эл валютасида ҳужжатли аккредитив, инкассо, банк жўнатмаси шаклида, шунингдек халқаро банк амалиётида қўлланиладиган бошқа шаклларда амалга ошириш;

- чет эл валютасидаги маблағларни кредит, депозит, омонат ҳамда халқаро банк амалиётида қабул қилинган бошқа шаклларда жалб этиш ва жойлаштириш ҳамда чет эл валютасида кафолат бериш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ валюта айирбошлаш шохобчалари орқали нақд чет эл валютасини, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

- халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш;

Банк банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка ва халқаро банк амалиётига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.

Банк хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини шартнома асосида ва узлуксиз асосда амалга ошириш учун учинчи тарафга Марказий банкнинг рухсатномаси олинганидан ва Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топшириш ҳуқуқига эгадир.

3.3. Банк қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

3.4. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас.

Ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган чеклов қуйидаги ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди ва Банк қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага бериш;

- ўз активларини сотиш;

- чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатиш;

- суғурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан суғурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш;

- Банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкани мулк ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага бериш.

3.5. Банкка юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуйидагилар мустасно:

- кредит, суғурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;

- молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;

- қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;

- банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;

- фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;

- банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;

- фонд ва валюта биржалари;

- кредит бюрolari;

- қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.

3.6. Банк ва унинг мижозлари (ҳамкорлари) ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Банк томонидан кредитлар жисмоний ва юридик шахсларга қайтаришлик, муддатлилиқ, тўловлилиқ, шунингдек таъминланганлик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида ўзаро тузиладиган кредит шартномалари асосида берилади.

Банк томонидан ажратиладиган кредитлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятлар асосида ва мажбуриятлар бажарилишини таъминлашнинг қонунчиликда назарда тутилган ва банк амалиётида қабул қилинган бошқа усуллари билан таъминланади.

3.7. Банк Бошқарувининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириш учун Банкнинг жорий хўжалиқ фаолияти билан боғлиқ битимлари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда, Марказий банк томонидан Банкка берилган лицензияларда ва мазкур Уставда кўрсатилган банк операциялари, шунингдек актив операциялар бўйича қарздорлик ҳисобига гаровдаги ва бошқа мулкларни Банк балансига олиш ва уларни сотишга оид битимлар ҳисобланади. Барча банк операциялари амалдаги банк қонунчилиги, Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал иқтисодий нормативлар ва Банкнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

4. БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир ва ўз фаолиятини амалга ошириш, олдида турган вазифаларни бажариш учун Банк қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- мустақил равишда ўз фаолиятини амалга ошириш ҳамда банк хизматлари ва молиявий хизматлар кўрсатиш;

- банк хизматлари ва молиявий хизматлар бозорида ривожланиш стратегиясини ҳамда иштирок этиш дастурларини танлаш, шунингдек кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва бошқа сиёсатларни мустақил белгилаш ва амалга ошириш;

- ўз фаолиятдан чекланмаган миқдорда фойда олиш ва барча харажатларнинг ўрни қопланганидан, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган фойдани ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;

- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда депозитлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ва шартларини, мижозларга кўрсатиладиган бошқа банк хизматлари бўйича воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;
- шартнома асосида юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилган маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бошқа банклардан жалб этиш ва бошқа банкларга жойлаштириш;
- ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаб бўлингандан кейин Банк тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобидан заҳиралар ва фондларни ташкил этиш;
- талабдан воз кечиш тўғрисидаги шартнома ёки қонун асосида кредит ва бошқа актив операциялар бўйича ҳар қандай ҳажмдаги талаб (ҳуқуқ)ларни бошқа шахсларга ўтказиш (воз кечиш), шунингдек кредит ва бошқа актив операциялар бўйича учинчи шахсларнинг талаб (ҳуқуқ)ларини олиш (эга бўлиш);
- ўз молия-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган қонунчиликда таъқиқланмаган битимлар ва бошқа ҳўжалик субъектлари билан ҳўжалик шартномалари тузиш;
- ўзининг ҳўжалик, молиявий ва тижорат фаолиятини мустақил равишда режалаштириш ва ташкил этиш, иш тартибини, Банк ходимларига иш ҳақи миқдори ва тизимини мустақил белгилаш;
- кредит ажратилаётганда потенциал қарздорлар (кафиллар, гаровга қўювчилар)нинг ўзларидан, давлат идораларидан ва бошқа очиқ манбалардан тегишинча ҳисоботлар, баланслар, шахсга доир маълумотлар, тўлов қобилиятини ўрганишга ва кредит таъминотига доир бошқа зарур ҳужжатлар ва маълумотларни белгиланган тартибда олиш;
- ҳомийлик ва хайрия фаолиятини амалга ошириш.

4.2. Банкнинг молиявий барқарорлигини, кредиторлар ва омонатчилар, акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, Банкнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборатдир:

- Банка ишониб топширилган омонат маблағларининг сақланишини, уларни омонатчининг биринчи талабидаёқ қайтарилишини таъминлаш;
- ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда жамғармаларига доир маълумотларни, шунингдек банк сирини ташкил этувчи бошқа маълумотларни сир сақлаш;
- Марказий банк томонидан ўрнатилган пруденциал нормативларга риоя этиш, Марказий банкда маблағлар заҳирасини яратиш ҳамда белгиланган пруденциал нормативларга риоя этиш бўйича Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларни бажариш;
- ўз капитали ва ликвидли ресурсларини етарли даражада сақлаб туриш, йўқотишлар хатарини камайтириш мақсадида ўз активларини диверсификациялаш;
- Марказий банкнинг топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариш;

- бериладиган кредитларни таъминлаш бўйича гаров, кафолат, кафиллик ва мажбуриятларнинг етарлилигини ҳисобга олувчи ички норматив тартибни ўрнатиш;

- амалдаги қонунчилик асосида кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва бошқа сиёсатларни, банк операцияларини амалга оширишга доир бошқа ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини қонунчиликка мувофиқ юритиш талабларига риоя этиш;

- кредитлар ва лизинг бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши Марказий банк томонидан белгиланган миқдорларда ва тартибда заҳиралар ташкил этиш;

- Кузатов кенгаши тамонидан тасдиқланадиган “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотларни қонунчиликда, Ўзбекистон Республикасининг Корпоратив бошқарув кодексида ва Марказий банк томонидан белгиланган тартибда ошкор этиб бориш;

- Банкда ички аудит хизматининг мавжудлигини таъминлаш;

- бошқа шахслар билан тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

- ҳисоботларни тегишли давлат органларига белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиш.

4.3. Банк жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этади.

5. БАНК УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1 Банкнинг Устав капитали акциядорлар томонидан сотиб олинган Банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Банк чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

5.2 Банкнинг Устав капитали миқдори (жойлаштирилган акциялар) 1 105 807 788 750,00 (бир триллион бир юз беш миллиард саккиз юз етти миллион етти юз саксон саккиз минг етти юз эллик) сўмни ташкил қилади ва қуйидаги жойлаштирилган акциялардан иборат:

- номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 1 105 307 788 750,00 (бир триллион бир юз беш миллиард уч юз етти миллион етти юз саксон саккиз минг етти юз эллик) сўмлик 884 246 231 (саккиз юз саксон тўрт миллион икки юз қирқ олти минг икки юз ўттиз бир) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 500 000 000 (беш юз миллион) сўмлик 400 000 (тўрт юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш тартиби

5.3. Банкнинг Устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Қўшимча акциялар фақат ушбу Уставда

белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жойлаштирилади.

5.4. Банк Устав капиталини кўпайтириш, шунингдек мазкур Уставга Банк Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.5. Банк Устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланади.

5.6. Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилади.

5.7. Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, Банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Банкнинг ўз капитали ҳисобидан Устав капиталини кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида мутаносиб равишда тақсимланади.

Банкнинг Устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади ва ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Банкнинг Устав капиталини камайтириш тартиби

5.8. Банкнинг Устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Банкнинг ўзи кейинчалик бекор қилган ҳолда Банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. Банкнинг Устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

5.9. Агар Устав капиталини камайтирилиши натижасида унинг миқдори Банк Уставидagi тегишли ўзгаришларни қайд қилиш санасида Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида белгиланган Устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, Банк Устав капитали миқдорини камайтиришга ҳақли эмас.

5.10. Устав капиталини камайтириш ва Банк Уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

5.11. Устав капиталини камайтириш вақтида Банк тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

5.13. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, Банк бу тўғрисида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Банкнинг кредиторлари ўзларига бундай хабарнома юборилган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, Банкдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва Устав капитали камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли бўлади.

6. БАНК АКЦИЯЛАРИ, АКЦИЯЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ. БАНКНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ

6.1. Банкнинг акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли акциялардир.

6.2. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, уша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Банк акциядори деб эътироф этилади.

6.3. Банкнинг оддий акциялари овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва Банкни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.4. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига дивидендларни, Банк тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига Банк фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини тақдим этади. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

6.5. Банк акциясининг номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм. Банк акцияси бўлинмасдир.

6.6. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида, Банк томонидан қўшимча жойлаштирилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори номинал қиймати 1 250 (бир минг икки юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 1 500 000 000 000 (бир триллион беш юз миллиард) сўмлик, умумий сони 1 200 000 000 (бир миллиард икки юз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

7. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ. БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

7.1. Банк оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга ҳақлидир. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Банк Устав капиталининг 25 (йигирма беш) фоизидан ошмаслиги лозим.

7.2. Банк ўзи чиқараётган қўшимча акциялари ёпиқ обуна ўтказиш орқали хусусий тарзда жойлаштирилади.

Банкнинг акцияларига ҳақ тўлаш фақат пул маблағлари билан амалга оширилади.

7.3. Банк томонидан эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан 1 (бир) йилдан ошмаслиги керак.

7.4. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

7.5. Банкнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш пайтида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

7.6. Банкнинг Устав капитали кўпайтириладиганда Банкнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Банк акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Банкнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

Қўшимча акциялар чиқарилган ҳолатда акциядорлар Устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

7.7. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз ҳуқуқини бермайди.

7.8. Банк акцияларини сотиб олиш учун жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида Банкнинг устав капиталидаги 5 (беш) ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан 20 (йигирма) фоизни, 20 (йигирма) ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан 50 (эллик) фоизни, 50 (эллик) ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олишлари шарт.

Марказий банкнинг олдиндан розилигини олиш янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

7.9. Қуйидаги шахслар Банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилари бўлиши мумкин эмас:

- имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда (оффшор ҳудудларда) яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ва шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар;

- давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар.

7.10. Банкнинг жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин ва бунинг натижасида Банкнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади.

Бунда Банк Уставига акцияларнинг номинал қиймати ва сонига доир тегишли ўзгартишлар киритилади.

7.11. Банкнинг жойлаштирилган акцияларини майдалаш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин ва бунинг натижасида Банкнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади.

Бунда Банк Уставига акцияларнинг номинал қиймати ва сонига доир тегишли ўзгартишлар киритилади.

7.12. Банк корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни

чиқаришга ва жойлаштиришга ҳақлидир. Корпоратив облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Банкнинг корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари Кузатув кенгаши қарорига асосан қонунчиликда белгиланган тартибда чиқарилади ва жойлаштирилади.

8. БАНК АКЦИЯЛАРИ (АКЦИЯЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИ) БОШҚА АКЦИЯДОРЛАРГА ВА/ЁКИ УЧИНЧИ ШАХСЛАРГА ЎТИШИ

8.1. Банк акциядорлари ўзларига тегишли бўлган акцияларни қонунчилик ва мазкур Уставда назарда тутилган акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда исталган шахсларнинг тасарруфига ўтказишлари мумкин.

8.2. Банкнинг акциядорлари бошқа акциядорлар томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилган нархларда ва шартларда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар. Имтиёзли ҳуқуқдан тўла/қисман фойдаланиш тўғрисидаги билдиришномада акциядорнинг исми (номи), яшаш жойи (жойлашган жойи) ва сотиб олмоқчи бўлган акцияларнинг сони акс эттирилган бўлиши ва Банкка мазкур Уставда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш учун белгиланган муддат мобайнида жўнатилиши лозим.

8.3. Акциядорлар сотувга таклиф қилинган акцияларнинг ҳаммасини ёки уларнинг исталган қисмини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

8.4. Банк томонидан белгиланган тартибда қўшимча акциялар муомалага чиқарилганда, акциядорлар Банк Устав капиталидаги улушига пропорционал равишда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

8.5. Башарти, бир неча акциядорлар сотувга таклиф қилинган Банк акцияларини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тўғрисидаги истакларини маълум қилсалар ва бошқа акциядор/лар Банк акцияларини сотиш истагида бўлса/лар, сотилаётган акцияларнинг умумий сони акцияларни сотиб олишга қизиқиш билдирган акциядорлар ўртасида, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.6. Агар акциядор ёки акциядорлар акцияларни сотиб олишга оид имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаса/лар ёки қисман фойдаланса/лар, акцияларни/акцияларнинг қолган қисмини Банк акцияларини сотиш истагини билдирган акциядор акцияларни учинчи шахсга мазкур шартларда сотиш ҳуқуқига эга.

8.7. Ўз акцияларини учинчи шахсга сотмоқчи бўлган Банк акциядори акцияларнинг сотув нархини ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда Банкнинг бошқа акциядорларини ва Банкнинг ўзини ёзма равишда хабардор этиши шарт. Банк акциядорларига Банк орқали хабар юборилади.

8.8. Акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш муддати акциялар сотувга таклиф этилган пайдан бошлаб 30 (ўттиз) кунни ташкил этади.

Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш муддати, башарти у тугаб битгунга қадар Банкнинг барча акциядорларидан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ёки фойдаланишдан бош тортиш тўғрисида ёзма хабар олинган тақдирда тугайди.

8.9. Мазкур имтиёзли ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказишга йўл қўйилмайди. Қуйидаги ҳолларда акциядорларнинг имтиёзли ҳуқуқи қўлланилмайди (акциядорларнинг розилиги олинмайди):

- Банк томонидан ўз акцияларини сотиб олинганда;
- мулк ҳуқуқи асосида акциядорнинг меросхўрлари ёхуд юридик шахс ҳисобланадиган акциядорнинг ҳуқуқий ворисларига акцияларга эгаллик қилиш ҳуқуқи ўтаётганда;
- акциялар яқин қариндошларга ҳадя қилиб берилганда;
- акциялар гаровга қўйилганда.

8.10. Акциялар сотувининг имтиёзли ҳуқуқи бузилиб сотилганда, Банкнинг исталган акциядори суд тартибида уларга харидорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини талаб қилишга ҳақли. Акцияларни сотиб олиш ва сотишга доир барча низолар суд тартибида ҳал этилади.

8.11. Акцияларни Банк томонидан олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан, шунингдек Банкнинг бошқа мулклари бериш орқали амалга оширилади. Банк томонидан оддий ва имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

9. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1. Банкнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлмиш акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш. Бунда имтиёзли акциялар эгалари оддий акция эгаларидан олдин ўзларига тегишли имтиёзли акцияларнинг тугатиш қийматини оладилар;
- Банкнинг оддий акция эгалари Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;
- Банк акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш;
- Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- Банк томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва улар бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори (Банк тарифлари) тўғрисида ахборот олиш;

- Акциядорлар умумий йиғилишида овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик битимини тузиш.

Банк акциядорлари қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

9.2. Банкнинг имтиёзли акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар Банк Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, улар фақат қуйидаги масалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўладилар:

- Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

- Банк Уставига имтиёзли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- қонунчиликда ва ушбу Уставда кўрсатилган бошқа ҳоларда.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейингисидан бошлаб Акциядорлар умумий йиғилишида унинг ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин бўлади.

9.3. Банкнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Банк тугатилган тақдирда эса, Банк мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

9.4. Банкнинг 1 (бир) фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани тақсимлаш, Бошқарув ва назорат органлари аъзолигига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритишга ҳақли.

9.5. Банкнинг барча акциядорларига, уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бир хил муносабат таъминланади.

9.6. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил ҳуқуқлар берилади. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

9.7. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва белгиланган тартибда Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси ва/ёки инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

9.8. Банк акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

- ушбу Устав ва Банкнинг бошқа тегишли ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур Уставда назарда тутилган тартибда Банк бошқарув органларининг қарорларига амал қилиш;

- банк сирини, тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни ва бошқа Банкнинг махфий ҳужжатлари (маълумотлари)ни ошкор қилмаслик;

- “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тартибда мазкур қонун талабларига мувофиқликни таъминлаш учун Банк томонидан сўраб олинган ахборотни тақдим этиш;

- Банк акциядорлари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

9.9. Банкнинг миноритар акциядорлари Банк Бошқаруви фаолияти билан боғлиқ махфий ҳужжатларни ва тижорат сирини ташкил қилувчи ҳужжатларни асоссиз равишда талаб қилиш ва улардан фойдаланиш орқали Бошқарув фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари лозим.

Акциядорлар (муассислар) ўртасида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чоралари Банкнинг алоҳида ички меъёрий ҳужжатида белгиланади.

10. БАНК ФОЙДАСИНИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАР ТўЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Банкнинг фойдаси операцион ҳаражатлар, моддий ва уларга тенглаштирилган ҳаражатлар, шунингдек активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар заҳирасини чегирма қилган ҳолда Банк фаолиятининг барча турларидан келадиган тушумдан ташкил топади.

10.2. Банк ўз фаолиятидан чекланмаган миқдорда фойда олиш ва уни ўз хоҳишига кўра мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир.

10.3. Бюджетга солиқлар тўлангандан ва фондларга ажратмалар ўтказилгандан кейин қолган фойда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши белгилаган тартибда ишлатилади. Банкнинг соф фойдаси Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ тақсимланади. Банкнинг соф фойдасидан маблағлар заҳира фондлар ташкил этишга, дивидендлар тўлашга ҳамда бошқа мақсадларга йўналтирилиши мумкин.

10.4. Тақсимланмаган фойда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан Устав капиталининг кўпайтирилишига йўналтирилиши мумкин.

10.5. Дивиденд Банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимлангандан қисмидир. Дивидендлар Банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

10.6. Банк акциядорларига дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлади. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига муносиб равишда тақсимланади.

10.7. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар (оралиқ дивидендлар) тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин 3 (уч) ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар биринчи навбатда имтиёзли акциялар, сўнгра оддий акциялар бўйича тўланади. Банкнинг имтиёзли акциялари уларнинг номинал қийматининг камида 14 (ўн тўрт) фоизи миқдорда дивиденд олиш

хуқуқини беради. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун захира фонди таркибида алоҳида модда ажратилади. Имтиёзли акцияни Банк тугатилаётганда тўланадиган тугатиш қиймати имтиёзли акция номиналининг 100 (юз) фоизини ташкил этади.

10.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим. Дивиденд Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Банк Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кейинги кундан эътиборан 60 (олтмиш) кундан кеч бўлмаслиги керак.

10.9. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида Банкнинг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

10.10. Банк қуйидаги ҳолларда дивиденд тўлаш (эълон қилиш), шунингдек Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни амалга оширишга ҳақли эмас:

- пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;

- ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатида ночорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;

- ижро этилиши мажбурий бўлган Марказий банкнинг кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаганда ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаганда;

Банкнинг соф активларининг қиймати унинг Устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса;

- Банкка нисбатан Марказий банкнинг фойдани тақсимламаслик тўғрисида талаби мавжуд бўлганда.

Банк қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг розилигини олиши лозим:

- акциядорларга дивиденд тўлаш, Банкнинг Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлаш бўйича тўловларнинг умумий суммаси Банкнинг ўз капиталининг ўн фоизидан ортганда;

- жорий ёки ўтган чорақда ва (ёки) молия йилида зарар мавжуд бўлганда.

10.11. Банк дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Банк акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Банк тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Банкнинг расмий веб-сайтларида қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилади.

10.12. Банкнинг Дивиденд сиёсати амалдаги қонунчилик ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига биноан Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

10.13. Агар бошқа маблағлар мавжуд бўлмаса, Банкнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда заҳира фонди ҳисобидан қопланади.

11. БАНКНИНГ ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ, ЗАҲИРА ФОНДИ ВА КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИ

11.1. Банкнинг ўз маблағлари унинг Устав капитали, қўшилган капитали, заҳира фондлари, тақсимланмаган фойда, Банк фаолияти учун зарур бўлган бошқа даромадлар ҳисобидан ташкил этиладиган ва амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фондлар, қонунчилик билан белгиланган бошқа маблағлардан ташкил топади.

11.2. Банкда унинг Устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда заҳира фонди тузилади. Банкнинг заҳира фонди ушбу белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилиб борилади. Заҳира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

11.3. Банкнинг заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш, Банк облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади. Заҳира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

11.4. Банк соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоби маълумотлари бўйича, Банк активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

11.5. Банкнинг кредит ресурслари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

- Банкнинг ўз маблағлари (сотиб олинган асосий воситалар қиймати, бошқа юридик шахсларнинг Устав фондига ёки Устав капиталига йўналтирилган инвестициялардан ташқари);

- мижозларнинг банк ҳисобварақларидаги маблағлари;

- фуқароларнинг муайян муддатга ва талаб қилиб олингунча жалб қилинган омонатлари;

- бошқа банкларнинг депозитлари ва кредитлари;

- имзоланган битимлар ва шартномаларга мувофиқ жалб қилинадиган, халқаро молия ташкилотлари, чет эл давлатларнинг банклари ва корхоналари маблағлари;

- облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар;

- Банк томонидан жалб қилинган бошқа маблағлар.

12. БАНКНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Банкнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви Банкнинг бошқарув органларидир.

12.2. Банкнинг барча мансабдор шахслари Банк манфаатларини кўзлаб иш тутишлари, ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширишлари, қонунчилик, мазкур Устав ва Банк Бошқарув органлари қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни виждонан ва оқилона бажаришлари лозим.

Кузатув кенгаши ва Бошқарувининг аъзолари, шунингдек муҳим аҳамиятга эга ходимлари бенуқсон ишчанлик обрўсига, банк

таваккалчиликларининг самарали бошқарилишини, ўз ваколатлари доирасида асосли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш учун зарур бўлган тажрибага, билим ва кўникмаларга эга бўлиши керак.

Кузатув кенгаши ва Бошқарувнинг аъзолигига ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимлар лавозимларига кўрсатилаётган номзодлари уларнинг лавозимга киришишидан олдин Марказий банк билан келишилади.

13. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

13.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.

13.2. Банк Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили туганидан кейин кўпи билан 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади.

13.3. Акциядорларнинг йиллик ҳисобот умумий йиғилишида Кузатув кенгашини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш ва фойда ва зарарларини тақсимлаш, Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Банкнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилади.

13.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида Банк акциядорларига хабар бериш тартиби, йиғилишни ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг рўйхати Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

13.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган умумий йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади. Навбатдан ташқари Умумий йиғилиш Кузатув кенгаши қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, шунингдек Банкнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар)нинг талаби билан ўтказилади. Амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ Марказий банк Банк акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишини чақиритишга ва унинг кун тартибини белгилашга ҳақли.

13.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банк Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

2) Банкни қайта ташкил этиш;

3) Банкни тугатиш, Тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

4) Кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

5) Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

6) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ёки камайитириш;

7) Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳолларда Банкнинг ўз акцияларини олиш;

8) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Банк Бошқаруви органлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

9) Банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Банкнинг узоқ муддатга

ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

10) Банкнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

11) Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгаши ҳисоботларини эшитиш;

12) Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

13) Акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

14) Банк акцияларини майдалаш ва йириклаштириш;

15) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

16) Кузатув кенгаши тавсияси бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилиш, уларнинг миқдори ва акцияларнинг ҳар бир тури бўйича тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

17) Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув кодексига биноан ички назорат тўғрисидаги ва манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;

18) Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Корпоратив бошқарув кодексига назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун Банкнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чорасини ўрнатиш;

19) Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

20) Амалдаги қонунчиликда, мазкур Уставда ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

13.7. Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) Банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай, ёзма равишда Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Кузатув кенгашига унинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли, бундан Кузатув кенгаши мустақил аъзолигига номзодлар кўрсатиш мустасно.

Кузатув кенгаши киритилган бундай таклифларни кўриб чиқиши ва Уставнинг ушбу бандида кўрсатилган муддат тугаганидан сўнг, 10 (ўн) кундан кечиктирмай, уларни Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш ёки киритишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

13.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар қонунчиликда белгиланган муддатда Корпоратив ахборот ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

13.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига мазкур йиғилиш ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 (уч) иш

куни олдин шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

13.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Кузатув кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. Умумий йиғилиш Раиси йиғилишни аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляциясига рухсат бериш масаласини ҳал қилади.

13.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

13.12. Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари, агар қонунчиликда ва ушбу Устав бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Банкнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, умумий йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

13.13. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

- Банк Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

- Банкни қайта ташкил этиш;

- Банкни тугатиш, Тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- қонунчиликда кўрсатилган ҳолларда йирик битимлар ва Банкнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарорлар қабул қилиш.

13.14. Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари ўзлари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

13.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Банкнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз» тамойили, Кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда эса кумулятив овоз бериш асосида овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.

13.16. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай икки нусада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

13.17. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ва овоз бериш яқунлари, яъни йиғилиш баённомасидан кўчирма

ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига кузатув хати орқали етказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлари барча (Умумий йиғилишда қатнашган ва қатнашмаган) акциядорлар учун мажбурийдир.

13.18. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар амалдаги қонунчилик, “Банк Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом ва Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш регламенти билан тартибга солинади.

13.19. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, кворумни аниқлаш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш ва овозларни санаб чиқиш учун Кузатув кенгаши томонидан Саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Саноқ комиссияси ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва “Банк Саноқ комиссияси тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширади.

14. БАНК КУЗАТУВ КЕНГАШИ

14.1. Кузатув кенгаши Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Банк Уставига асосан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Кузатув кенгаши бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман Банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.

Кузатув кенгаши Банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан Банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.

Кузатув кенгаши Банкда таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали жорий этилишини таъминлашга ҳамда унинг устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлиб ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган таваккалчиликларни бошқаришга доир вазифаларни бажаради.

Кузатув кенгаши ишининг самарадорлигини таъминлаш, энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига таклиф ва тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаш аъзолари орасидан белгиланган тартибда қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

14.2. Кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, мазкур Устав, Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланадиган “Банк Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширади.

14.3. Банк Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

1) Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Банк фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2) Банк Акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган холлар бундан мустасно;

- 3) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- 4) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- 5) Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 6) Банкнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни янги таҳрирда тасдиқлаш масалаларини Акциядорлик умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- 7) Банк мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 8) Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ва Банк Уставига Банкнинг Устав капиталини кўпайтириш ҳамда Банкнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 9) Банк акцияларини чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш, шунингдек аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 10) Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), ташқи аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 11) Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Банкнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) Бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда Банкнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик Бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;
- 12) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида ва корпоратив облигацияларни қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- 13) Банк томонидан депозит сертификатлари ва бошқа қарз мажбуриятларини, шунингдек қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 14) Акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 15) Банк Бошқаруви Раиси ва аъзоларини тайинлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда Бошқарув Раиси ва аъзоларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.
- 16) Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- 17) Ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш ва аудит хизматининг чораклик ҳисоботлари асосида Банк Бошқаруви томонидан банк стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиш;
- 18) Банк Бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Банк Бошқарувидан бу каби ҳужжатларни олиш (Кузатув

кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин);

19) Банк акциялари бўйича дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

20) Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва Банкнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

21) Банкнинг заҳира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

22) Банкнинг филиалларини ҳамда ваколатхоналарини ташкил этиш, очиш ва тугатиш, уларнинг низомларини тасдиқлаш ва ўзгартириш киритиш;

23) Банкнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

24) қонунчиликда белгиланган тартибда Банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш;

25) Қонунчиликда белгиланган доирада барча акциядорларга маълумотларни ошкор этган тарзда ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарорлар қабул қилиш;

26) Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари, Банк ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқлар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари)ни ташкил этиш;

27) Банк корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

28) Банкда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш бўйича қарор қабул қилиш;

29) Ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш шартлари ва тизимини белгилаш;

30) Банкнинг стратегик мақсадларини, кредит, эмиссия, кадрлар, инвестиция, дивиденд, Банкнинг таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш (таваккалчиликларни бошқариш) сиёсатларини, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини, шунингдек риск-аппетит баёноти, янги маҳсулотларни жорий этиш сиёсати, стресс-тест ўтказиш тартибини, Банкнинг бошқа сиёсатларини ва тегишли ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;

31) Активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек Банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;

32) Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тартибини тасдиқлаш;

33) Банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;

34) Банкнинг бошқаруви устидан назоратни амалга ошириш;

35) Банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда Банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида Банк Бошқарувининг ҳисоботини эшитиш;

36) Банк Бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;

37) Банк фаолиятини бошқариш тизими самарадорлигини, шу жумладан Банк бошқаруви принциплари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

38) Бир йилда камида бир марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида Акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобот тақдим этиш;

39) Йиллик молиявий ҳисоботларни дастлабки тарзда тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;

40) Банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;

41) Амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Кузатув кенгашининг ваколатлар доирасига киритилган масалаларни ҳал қилиш учун Банк Бошқарувиغا ўтказилиши мумкин эмас.

14.4. Кузатув кенгашининг таркиби 5 (беш) кишидан иборат бўлади, шундан Кузатув кенгаши таркибига киритиладиган мустақил аъзолар сони 3 (уч) кишини ташкил этади. Кузатув кенгаши аъзолари Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан кумулятив овоз бериш орқали 3 (уч) йил муддатга сайланади. Бунда Кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, Кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, Акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишида сайланган Кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки Кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилади.

Банк томонидан Кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестри белгиланган тартибда юритилади ва бу реестр Банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси унинг бошқа аъзолари билан бир қаторда амалдаги қонунчиликда, Банк Уставида ва бошқа ички ҳужжатларида белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари Кузатув кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланишлари мумкин.

Қуйидаги ҳолларда шахс Кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши, мумкин эмас ёки сайланган шахс Кузатув кенгаши аъзолиги ҳуқуқидан маҳрум этилади:

- икки ёки ундан ортиқ тижорат банкининг кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

- шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тугатилган бўлса;

- Банк коллегиял асосидаги ижроия органининг (Бошқарув) аъзоси бўлса;

- Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган бўлса.

14.5. Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан кўйиладиган талаблар “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги янги тахрирдаги қонун, “Банк Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомда белгилаб кўйилади.

14.6. Кузатув кенгашининг Раиси Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, Кенгаш таркибидан унинг аъзолари томонидан сайланади. Кенгаши ўз Раисини Кенгаш аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлаши мумкин.

14.7. Кузатув кенгаши Раиси унинг ишини ташкил этади, мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади. Кенгаши Раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифасини Кенгашнинг аъзоларидан бири амалга оширади. Акциядорлар умумий йиғилишида Кенгаш аъзолари иштирок эта олмаган тақдирида, умумий йиғилиш раиси ушбу йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар (вакиллари) орасидан кўпчилик овози билан сайланади.

14.8. Кузатув кенгаши мажлиси унинг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаши, Бошқаруви аъзосининг, Ички аудит хизмати раҳбари, ташқи аудитори, шунингдек жами акцияларнинг камида 1 (бир) фоизига эга бўлган акциядор/акциядорлар ёзма талабига биноан чақирилади. Бундай ёзма талаб Банк девонхонаси орқали корпоратив маслаҳатчига тақдим этилади. Кенгаш мажлисининг чақириш ҳақидаги ёзма талабда унинг чақириш/ўтказиш сабаблари ва унинг кун тартиби кўрсатилиши керак.

14.9. Кенгаш мажлиси унда сайланган Кенгаш аъзоларининг 75 (етмиш беш) фоизи иштирок этганда, ваколатли (кворум тўпланган) деб ҳисобланади. Агар қонунчиликда ва мазкур Уставда бошқа қоида белгиланмаган бўлса, Кузатув кенгаши мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кенгашнинг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

14.10. Банк Устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва Банк Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

14.11. Банк Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кенгаш Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

14.12. Банк Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кенгашнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

14.13. Банк Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

14.14. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Банк Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда ҳақ тўланиши ва Кузатув кенгашнинг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Тўловларнинг миқдори Банк фаолиятининг молиявий натижалари, корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари ва фаолиятининг самарадорлиги (KPI)дан келиб чиқиб, бир кишига иш ҳақи тўлови бир ойга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам

миқдорининг 50 баробаригача, молиявий йил якуни бўйича бир марталик рағбатлантирувчи тўлов меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 200 баробаригача белгиланади.

KPI кўрсаткичлари банкнинг барқарор молиявий ҳолати - банкнинг молиявий оқимлар мутаносиблиги, тўлов қобилиятини, ликвидлилиги ва рентабелли фаолиятини сақлаб туриш учун маблағларнинг етарлилигини, барча пруденциал нормативлар банк томонидан бажарилиши ва банк хатарларини самарали бошқариш асосида белгиланади.

14.15. Банк Кузатув кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари учун қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар. Кузатув кенгаши мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Банкка зарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган Банк Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

15. БАНК БОШҚАРУВИ

15.1. Банк Бошқаруви Банкни бошқаришнинг ижро этувчи органи бўлиб, Банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимига мувофиқ Банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда Банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади. Бошқарув фаолиятига Банк Бошқарув Раиси раҳбарлик қилади. Банк Бошқаруви 7 (етти) нафар аъзодан иборат бўлиб, у Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалаларни ҳал этиш ваколатига эгадир.

15.2. Банк Бошқарувини тузиш ва унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш Кузатув кенгаши қарорига кўра амалга оширилади. Банк Бошқаруви таркибига Бошқарув Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош бухгалтер, юридик хизмат раҳбари, шунингдек Банкнинг бошқа асосий таркибий бўлинмалар раҳбарлари кириши мумкин.

15.3. Банк Бошқаруви Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобдор ва уларнинг қарорларининг ижросини ташкил этади.

15.4. Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари Кузатув кенгаши томонидан тайинланади. Кузатув кенгашининг қарорига кўра Банк Бошқарув Раиси ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши имконияти берилган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин. Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари ўз вазифаларини бажаришга уларнинг номзодлари Марказий банк билан келишиб олингандан сўнг киришишлари мумкин.

15.5. Бошқарув Раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартнома 3 (уч) йил муддатга тузилади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш масаласи ҳар йили тегишли Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқилади ва қарор қабул қилинади.

Банк Бошқаруви Раиси билан меҳнат шартномасини Банк номидан Кузатув кенгаши Раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномаларини Банк номидан Банк Бошқаруви Раиси имзолайди.

15.6. Кузатув кенгаши Банкнинг Бошқаруви аъзолари билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда улар Банк Уставини ва ички низомларини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг

ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

15.7. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Банк Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланадиган «Банк Бошқаруви тўғрисида»ги Низом ҳамда уларнинг ҳар бири билан тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш)) мумкинлиги тўғрисида ҳар йили Акциядорлар умумий йиғилиш томонидан қарор қабул қилинади.

15.8. Банк Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта ўтказилади.

15.9. Банк Бошқарувининг мажлиси унда Бошқарув аъзоларининг камида 70 (етмиш) фоизи иштирок этганда, масалаларни ҳал қилишга тўла ҳуқуқли (ваколатли) бўлади. Банк Бошқарувининг қарори мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Қабул қилинган қарорга рози бўлмаган Бошқарув аъзоси ўз фикрини Кузатув кенгашига билдириш ҳуқуқига эга.

15.10. Бошқарув мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосарларидан бири ташкил этади. Мажлисда баённома тузилади ва у мажлисга раислик қилувчи ҳамда Банк Бошқарувининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Бошқарув мажлисининг баённомаси Кузатув кенгаши аъзоларига, аудиторга уларнинг талабига биноан тақдим этилади.

15.11. Банк Бошқарувининг ваколатлар ва мажбуриятларига қўйидагилар киради:

1) Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашида муҳокама этиладиган барча масалаларни олдиндан кўриб чиқади, улар юзасидан тегишли ҳужжатлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

2) Банкнинг фаолияти яқунларини, депозитларни қабул қилиш, активларни жойлаштириш, кредитлашни ташкил этиш, ҳисоб-китоблар, пул муомаласи, касса хизмати, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

3) ҳар чорақда Кузатув кенгашига Банкнинг молиявий ҳолати ва фаолияти, бизнес ва молиявий режа ижроси ҳақида ҳисобот тақдим этади;

4) банк хизматларининг янги турларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

5) ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш, кредит, пул ва тўлов ҳужжатлари ва хат-ҳужжатларни расмийлаштиришнинг умумий шартлари ва тартибини белгилайди;

6) Банкнинг кредит, инвестиция, дивиденд, эмиссия ва кадрлар сиёсатларини, шунингдек қонунчилик билан ўрнатилган бошқа ёзма сиёсатлари ва Банкнинг ривожлантириш стратегиясини, Бизнес режасини ишлаб чиқади ҳамда уларни Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади. Банкнинг кредит ва бошқа сиёсатлари, Банкнинг ривожлантириш стратегиясини, Бизнес-режаси ижросини ва жорий этилишини таъминлайди;

7) Банкнинг ички Кредит сиёсати ва кредит операцияларини ўтказишнинг умумий шартларига мувофиқ кредит беришни амалга оширади, кредит ҳужжатларини юритиш тартибига риоя этилишини таъминлайди;

8) Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари, Банкнинг филиал ва ваколатхоналари фаолиятига раҳбарлик қилади;

9) Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

10) Бош Банкнинг таркибий бўлинмалари (департамент, мустақил бошқарма ва бўлимлар) тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

11) аудит текширувлари, тафтиш ҳужжатлари, шунингдек Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиал раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарорлар қабул қилади;

12) ходимлар, жумладан муҳим аҳамиятга эга ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, уларнинг ўзгартирилиши (ротацияси) ва лавозим бўйича кўтарилиш, малакасини ошириш, малакали ходимларни сақлаб қолиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тайёрлаш масалаларини ҳал қилади, ходимлар ва мансабдор шахслар ўз мажбуриятлари, Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўради;

13) Банкнинг амалдаги қонунчиликка риоя қилишини таъминлайди;

15) корпоратив бошқарувнинг замонавий ва илғор услубларини жорий этади, Ўзбекистон Республикасининг Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини татбиқ этилишини ташкил қилади;

16) Банкда қонунчиликка ва халқаро стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритилишини ва молиявий ҳисобот тақдим этилишини, шунингдек ҳужжатлар айланишини ва ҳужжатларни сақланишини ташкил этади;

17) Стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва таваккалчиликлар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга оширади;

18) Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Риск-аппетит баёноти, Таваккалчиликларни бошқариш сиёсати ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ таваккалчиликларни бошқариш тизимининг самарали фаолият юритилишини таъминлайди, хусусан Банкдаги таваккалчиликлар ҳолати, Банк фаолиятидаги сезиларли ўзгаришлар ва янги маҳсулотлари ҳақида маълумотларни акс эттирувчи ҳисоботлар тайёрлайди ва Кузатув кенгашига ҳар чоракда тақдим этиб боради;

19) Банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни Банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлайди;

21) Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

22) Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариши, шунингдек Банк Акциядорларининг умумий йиғилишига ва Кузатув кенгашига бажарилган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;

23) Амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради, шунингдек Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан топширилган бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

15.12. Банк Бошқаруви Раиси Банкнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Банк Бошқарувининг мажлисида раислик қилади, Кузатув кенгашининг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади.

15.13. Бошқарув Раиси қуйидаги ваколатларга эга бўлади:

- Банк номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан барча ташкилотларда, давлат органларида Банк манфаатларини кўзлаб иш тутади;

- Банк номидан битимлар, шартномалар тузади ва ишончномалар беради;

- штатларни тасдиқлайди, лавозим маошларини белгилайди;

- ходимларни, шу жумладан филиал ва ваколатхона раҳбарларини ишга тайинлайди ва ишдан бўшатади (Бош Банк ходимлари, филиал ва ваколатхона раҳбарлари ва бошқа Бош Банк номенклатурасига кирувчи лавозимда ишловчи ходимлар билан меҳнат шартномасини Банк номидан имзолайди);

- алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимларни рағбатлантиради ҳамда интизомий жазо чораларини қўллайдди;

- ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Банк Бош офиси ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди. Бунда, Бошқарув Раисининг мазкур ваколоти қонунчиликда ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда Бошқарув Раиси биринчи ўринбосарига берилиши мумкин;

- Банкнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқ, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Бошқарув Раиси амалдаги қонунчилик, мазкур Устав ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига биноан бошқа ваколатларга эга бўлади.

15.14. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари қонунчилик, мазкур Устав ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига биноан Банк ва акциядорлар олдида жавобгар бўлиб ҳисобланадилар. Банкка зарар етказилишига сабаб бўлган Бошқарув қарорига овоз беришда иштирок етмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

16. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ.

БАНКНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

16.1. Банкда қонунчиликда ва Марказий банк меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда халқаро стандартларга, шунингдек Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар асосида ишлаб чиқилган ички ҳисоб-китоб сиёсатида мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, молиявий ҳисобот тақдим этилиши, ҳужжатлар айланиши ва сақланиши ташкил этилади.

Банкда бухгалтерия ҳисоби қуйидагиларни таъминлайди:

- бошқарувга, молияга, солиққа ва назоратга оид ҳисоботнинг ҳамда бошқа ҳисоботларнинг ишончилигини, уларда банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари акс эттирилишини;

- Банк активларини ва юзага келувчи таваккалчиликларни бошқариш хавфсизлигини;

- Банк акциядорлари ва Кузатув кенгаши томонидан Банкнинг молиявий аҳволини ва унинг мансабдор шахсларининг ишини назорат қилиш имкониятини.

16.2. Банкнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилишига қонунчиликда белгиланган кундан кам бўлмаган муддат қолганда Кузатув кенгашининг дастлабки тасдиғидан ўтказилади.

16.3. Банк молиявий ва назорат ҳисоботларини Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда, тартибда ва муддатларда тузади ҳамда Марказий банкка тақдим этади. Банк қонунчиликка мувофиқ бошқа турдаги ҳисоботларни ҳам тақдим этади.

16.4. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари Банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган мустақил ташқи Аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланади.

16.5. Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин Банкнинг Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин белгиланган тартибда эълон қилинади.

16.6. Банкнинг Ички аудит хизмати

Банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-хўжалик фаолияти самарадорлиги, ҳисобнинг ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, амалдаги қонунчиликка, Банк Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи бевосита Кузатув кенгашига бўйсунувчи ва ҳисобдор бўлган мустақил Ички аудит хизмати (департаменти) фаолият кўрсатади.

Банкнинг Ички аудит хизмати 50 (эллик) фоиздан зиёд улуши Банкка тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни ҳам амалга оширади.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини, шунингдек ички аудит текширувларини ва мониторингини қонунчилик, Кузатув кенгаши тасдиқлайдиган "Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом", "Ички аудитни ўтказиш тартиби ва жараёнлари" ҳамда Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига, шунингдек ички аудитга оид халқаро стандартларга биноан амалга оширади.

16.7. Аудиторлик ташкилоти

Банкнинг фаолияти ҳар йили тегишли лицензияга ва Марказий банкнинг тижорат банкларида аудиторлик текширувларини ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификатига эга бўлган ташқи аудитор ташкилоти томонидан текширилиши шарт. Аудиторлик текшируви мақсади Банкнинг молиявий аҳбороти ҳамда бошқа молиявий маълумотлари тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда молиявий ҳисоботларга оид халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлашдан иборатдир.

Аудиторлик ташкилоти томонидан текшириш Банк билан тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, халқаро бухгалтерия ва аудит стандартларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Ташқи аудиторлик текширувнинг натижалари бўйича Банкнинг молиявий ҳисоботлари ишончилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартиби қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади (ёки тасдиқланмайди) ҳамда аудиторлик хулосаси тақдим этилади.

Аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботи ва бошқа молияга доир ахборотлар ҳақида нотўғри хулоса баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун Банк олдида жавобгар бўлади.

16.8. Банкнинг корпоратив маслаҳатчиси

Банкда Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш назарда тутилиши мумкин.

Корпоратив маслаҳатчи ўз фаолиятини Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширади.

17. БАНК ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ, УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

17.1. Банк ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар, банк хизматлари офислари, ваколатхоналар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этиши ҳамда уларга қонунчиликда ва Банк Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

17.2. Банк филиаллари Марказий банкни ёзма хабардор қилган ҳолда Кузатув кенгаши қарорига биноан белгиланган тартибда очилади ва тугатилади.

17.3. Банк номидан банк операцияларининг барчасини ёки бир қисмини, шу жумладан, филиал жойлашган ҳудудда ваколатхона (вакил) вазифаларини амалга оширувчи алоҳида бўлинма Банк филиали бўлиб ҳисобланади.

17.4. Банк филиаллари мустақил юридик шахс бўлиб ҳисобланмайди. Филиаллар ўз фаолиятини Кузатув кенгаши тасдиқлаган филиал тўғрисидаги низом асосида юритади ва улар Банк номидан банк операцияларининг ҳаммасини ёки бир қисмини Банк бўйича белгиланган иқтисодий меъёрлар ва Банк берган ваколатлари доирасида Марказий банк томонидан Банкка берилган лицензия асосида амалга оширади. Филиаллар ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби тамойиллари асосида ташкил этадилар.

17.5. Филиал раҳбарлари ва бош бухгалтерлари Банк Бошқаруви Раиси томонидан тайинланади. Филиал раҳбарлари Банк Бошқаруви Раиси берган ишончнома асосида иш юритади. Бошқарув Раиси Банк номидан филиаллар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари билан меҳнат шартномасини имзолайди. Банкнинг филиаллари Банкнинг номи ва эмблема (логотипи) ҳамда ўзининг номи ёзилган юмалоқ муҳри, штамп ва бланкаларига, балансига эга бўлади.

17.6. Мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида, Банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк хизматлари офислари очиши мумкин. Банк хизматлари офислари Марказий банкни ёзма хабардор қилган ҳолда Бошқарувнинг қарорига асосан белгиланган тартибда очилади ва уларнинг фаолияти тугатилади.

Банк хизматлари офиси Банк ёки Банк филиали биносидан ташқарисида жойлашган Банкнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланиб, Банк ёки унинг филиали билан ягона бўлган Банк (филиал) баланси ва кодига эга бўлади.

17.7. Банк ўз манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи, ўзи турган ердан ташқарида банк фаолиятини амалга оширмайдиган Банкнинг алоҳида бўлинмаси бўлган ўз ваколатхоналари очиши мумкин. Ваколатхона Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ ташкил этилади ва тугатилади. Банк ваколатхонаси мустақил юридик шахс ҳисобланмайди ва улар Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ваколатхона тўғрисидаги низом асосида иш юритади.

17.8. Филиаллар ва ваколатхоналар Банк томонидан мулк билан таъминланади ва Банк ўзининг филиал ва ваколатхоналарининг фаолияти учун жавобгар бўлади.

17.9. Банк Ўзбекистондан ташқарида Марказий банкнинг рухсатномаси билан шўъба банклари очиши, филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

17.10. Банк фаолиятини мувофиқлаштириш, ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишда иштирок этиши мумкин.

18. БАНКНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1. Банкни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

18.2. Банк қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра (ихтиёрий тугатиш);

- Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия Марказий банк томонидан чақириб олинганда (мажбурий тугатиш);

18.3. Банкни тугатиш қонунчиликка ва Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Банкни тугатиш ва Тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан эътиборан Банкни бошқариш бўйича барча ваколатлар Тугатиш комиссиясига ўтади.

18.4. Банкнинг қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги ҳақидаги хабар белгиланган тартибда матбуотда эълон қилинади.

19. БАНК УСТАВИ, УНГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

19.1. Банк Уставига Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва/ёки ўз ваколатлари доирасида Кузатув кенгаши томонидан киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

19.2. Банк Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Банкнинг янги таҳрирдаги Устави давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради.

19.3. Агар мазкур Уставнинг маълум бир қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид келиб қолса, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва бундай қоидалар билан тартибга солинадиган масалалар бўйича Уставга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига амал қилинади.

19.4. Банкнинг янги таҳрирдаги ушбу Уставининг тасдиқланиши ва Марказий банкда давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2020 йил 31 январдаги 1/2020-сонли баённома-қарори билан тасдиқланган ва Марказий банк томонидан 2020 йил 25 марда 81-рақам билан рўйхатга олинган Банк Устави ва унга киритилган барча ўзгартиришлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Бошқарув Раиси

Т.Ф.Джунайдуллаев

Келишилди:

Бошқарув Раиси биринчи
ўринбосари

Ш.Ш.Тўйбоев

Бошқарув Раиси ўринбосари

Б.Э.Норматов

Бош бухгалтер

Д.Т.Рахимов

Кредитлаш департаменти
директори

З.З.Рўзиев

Юридик хизмат департаменти
директори

Т.У.Умаров

Ғазначилик департаменти
директори

З.Х.Пайзиев